O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 6 апрель, № 67 (4220) Жума

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги 818–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модда иккинчи қисмининг учинчи** ва **тўртинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати»;

2) **8-модданинг:**

номидаги «Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концернининг» деган сўзлар «Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компаниясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концерни» деган сўзлар «Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **9-модданинг:**

номидаги «Давлат автомобиль назорати инспекциясининг» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Давлат автомобиль назорати инспекцияси» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **15-модданинг учинчи қисмидаги** «Давлат автомобиль назорати инспекциясининг» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **21-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тегишли тоифалардаги транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 5 апрель
№ ЎРҚ — 82

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Гаров тўғрисида»**ги 736–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳрирда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модда:**

Қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонуннинг қоидалари, агар «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ипотека билан боғлиқ муносабатларга нисбатан қўлланилади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **10-модданинг иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Гаров нарсасини баҳолаш гаровга қўювчи билан гаровга олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ гаров нарсасини баҳолашдан ўтказиш орқали амалга оширилади»;

3) **22-модданинг:**

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **27-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин».

5) **37–41-моддалар** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **83-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради»;

2) **269-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга қўйилган муомаладаги товарлар гаровга олувчига топширилмайди»;

3) **279-модданинг иккинчи қисми** «рад этиш мумкин» деган сўзлардан кейин «қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **280-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин».

3) **3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модданинг иккинчи қисмидаги** «туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) техник инвентаризация кадастр бюросида амалга оширилиб, ушбу бюро» деган сўзлар «кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни рўйхатдан ўтказувчи органда амалга оширилиб, ушбу орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-моддадаги** «туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) техник инвентаризация кадастр бюросида» деган сўзлар «кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни рўйхатдан ўтказувчи органда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 5 апрель
№ ЎРҚ — 83

ОТАДАЙ МЕҲРИБОН, ОНАДАЙ МУШФИҚ

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



Бу дунёда инсон учун Ватандан ортиқ азиз ва лазиз неъмат йўқ. Бошимизни ота каби силагувчи, она сингари юрак қўрини тўкиб солгувчи ва улкан бир муҳаббат билан бизни бағрига чорлаб турувчи ўзга бир маъво топилмас. Биз йироқ-йироқлардан нафақат унинг ҳузурига шошиламиз, балки озод Ватанимизни янада обод кўриш учун, юртдошларимизнинг тўкин ва фаровон яшашлари учун тинимсиз меҳнат ҳам қиламиз.

Зеро, яқинда Гулистон шаҳридаги «Фарҳод» маҳалласидаги капитал реконструкциядан чиқарилган замонавий бино «Гўдаклар уйи» тасарруфига берилиши ҳам ана шу хайрли ишларимизнинг бир кўриниши, холос. Қолаверса, буни мамлакатимиз раҳбари томонидан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тасдиқланган Давлат дастурини амалий ижроси, деб ҳам тушуниш мумкин. Негаки, бу масканнинг Мирзаобод тумани Тошкент қишлоғида жойлашган эски биноси авария ҳолатига келиб қолганди. Юқорида номи зикр этилган Давлат дастурига асосан, вилоят ҳокимлиги зиммасига ушбу меҳрибонлик уйини шаҳар ҳудудига кўчириб келиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш вазифаси топширилган эди.

Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ, «Гўдаклар уйи» учун 119 млн. сўмга бино олиб берилди. Янги бинони таъмирлаш, жиҳозлаш, фарзандларимизга зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида Гулистон шаҳридаги йирик ташкилотлар ўзларининг ҳомийлик ёрдамини аямадилар. Уларнинг ҳиммати билан бу хайрли ишга 70 млн. сўм маблағ ҳадя этилди.

Натижада у беками-кўст таъмирланди ва жиҳозланди. Сиз суратда кўриб турган бежирим ва салобатли бино, таъбир жоиз бўлса, бу кичкинтойларнинг Ватан ичидаги мўъжаз ватанидир.

Рефат ЖАПАРОВ олган суратлар.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Мамлакатимиз Шарқ билан Ғарбни туташтирган муҳим стратегик аҳамиятга молик ҳудудда жойлашган. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, тарихнинг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосиё йўллари чорраҳасида белгилаган.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР САЛОҲИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Шу боис мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимизда коммуникация ва транспорт, хусусан, темир йўл соҳасининг жадал ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг самарасини бераётгани билан, айниқса, алоҳида эътиборга лойиқдир.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси матбуот хизматидан маълум қилишларича, компанияга қарашли тўртта корхона бирйўла ISO-9001 сифат менежменти тизими халқаро сертификатига сазовор бўлган.

Компанияга қарашли Андижон механика заводида нефть маҳсулотларини ташишга мўлжалланган вагон-цистерналар ишлаб чиқарила бошланганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Аммо шу кунгача ишлаб чиқарилган вагонлар сони 166 тага етди. Темир йўл транспорти тизими ихтиёрига ўтган собиқ "Иргидромаш" корхонаси ўрнида фаолият юритаётган қуюв-механика заводида эса қисқа вақт ичида усти ёпиқ ва ярим очиқ вагонлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди.

Тармоқ корхоналарида халқаро талабларга жавоб берадиган сифатни бошқариш тизимини жорий этиш юзасидан кўрилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида ҳар иккала корхонага халқаро сертификат берилгани тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим самараларидандир. Ушбу сертификатнинг аҳамияти шундаки, энди мазкур икки заводда тайёрланган вагон-цистерна, усти ёпиқ ва ярим очиқ вагонлардан ташқари, улар учун эҳтиёт қисмлар ва темир йўл транспортига хизмат кўрсатишга мўлжалланган ностандарт жиҳозлар, юк вагонларининг таъмири халқаро миқёсда эътироф этилади.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи Давлат музейида республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган ўқув курсида тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар маънавият тарғиботчилари малака оширди.

МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Тадбирда мамлакатимизда мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори муҳим дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мафкуравий ва информацион курашлар қучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, маънавият тарғиботчиларининг ўз вазифасига янада масъулият билан ёндашиши, ўз билим ва малакасини муттасил ошириб боришини талаб этаётир.

Ўн кун давом этган машғулотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятига оид маърузалар тингланди. Ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг қаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Дунёдаги профессионал бокс ишқибозлари ва мутахассислар шу йил 14 апрель куни Штутгарт (Германия)да Ўзбекистон Республикаси вакили Руслан Чагаев ҳамда унинг россиялик рақиби Николай Валуев ўртасида энг оғир вазн тоифасида WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони унвони учун бўлиб ўтадиган жангни сабрсизлик билан кутишмоқда.

Руслан ЧАГАЕВ:
«Штутгартда ғалабам шарафига Ўзбекистоннинг давлат байроғи кўтарилиши учун бутун куч ва имкониятимни ишга соламан»

Мутахассислар рингни бирон марта ҳам мағлуб бўлиб тарк этмаган бу икки таниқли спортчининг учрашувига жаҳон боксининг жорий йилдаги энг муҳим воқеаларидан бири сифатида қарашмоқда.

Ўзбекистон бокс мактаби бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев, Олимпиада ўйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, профессионал боксда кўп карра жаҳон чемпиони Артур Григорян ва бошқа "чарм қўлқоп" усталари номларини эслашнинг ўзи кифоя. Энг оғир вазнлилар беллашувида ватандошимиз Руслан Чагаевнинг профессионал боксдаги юксак унвон учун рингга чиқиши ўзбек бокс мактабининг нуфузини яна бир поғона юқорига кўтаришига шубҳа йўқ.

Жиддий мусобақалар олдидан ном қозонган боксчилар ОАВ вакиллари билан учрашув ва интервьюлардан ўзларини тортишга ҳаракат қилишади. Бироқ бизнинг боксчимиз Ўзбекистондаги кўп миллионли мухлисларига ўзининг чуқур ҳурматини изҳор этган ҳолда, ҳал қилувчи мусобақа арафасида "Жаҳон" АА мухбирининг саволларига жавоб беришга розилик билдирди.

6-бетга қаранг.

... Ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида машҳур беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи туради.

Ислом КАРИМОВ.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — БОШ МЕЗОН

Кучли ижтимоий сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш учун мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Уларнинг асосий мақсади, мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида эл-юрт ҳаётига салбий таъсир кўрсатадиган оғир оқибатларни имкон қадар камайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли тоифалари — кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, пенсионер ва талабаларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдир.

Истиқлол даври тарихи кучли ижтимоий сиёсат — давлат раҳбари фаолиятининг асоси эканини тасдиқламоқда. Ҳар бир йилнинг ўзига хос эзгу ишларга даъват этувчи номлар билан аталиши ва бу борада Давлат дастурлари қабул қилиниши, хайр-саховат тадбирлари халқимиз томонидан мамнуният билан қабул қилинмоқда. Номланган йилларнинг барчаси ўзининг маъно ва мазмуни билан бир-бирига жуда яқин, улар йилдан-йилга бир-бирини тўлдириб, мантиқий ва узвий давом этиб келмоқда. Таъкидлаш лозимки, йилнинг қандай номланишидан қатъи назар, уларнинг марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ётади.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, жумладан, шундай дейилади: "Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб, деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор".

Ўтган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" ва 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши ижтимоий ҳимоя масаласига оқилона ёндашувнинг ёрқин намунаси бўлди. Буни 2006 йилда амалга оширилган бир қатор тадбирлар мисолида кўриш мумкин.

Масалан, Юртбошимизнинг тегишли фармонлари, қарорлари асосида давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда хайрия кўмагида юртимиздаги кўп болали, кам таъминланган оилаларга 10 миллиард сўмликдан зиёд қорамоллар берилди ва қаровчиси бўлмаган 23 минг нафар қария ва ногиронга ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Республикамиздаги барча "Саховат", "Мурувват" ва"Меҳрибонлик" уйларига ҳамда махсус мактаб-интернатларга хайрия муассасалари ва давлат томонидан 3,5 миллиард сўмлик моддий кўмак берилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш, нуфузини ошириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Соҳани янада ривожлантириш, тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар, зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 7,6 миллиард сўм, яъни 2005 йилдагига нисбатан қарийб бир ярим баробар кўп маблағ ажратилгани, уларни капитал таъмирлашга эса ҳомийлар ҳисобидан 7 миллиард сўм сарфланганлиги бажарилган ишлар кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Бинобарин, 2006 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга бюджетдан 51 фоиз ажратилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун жорий йил бюджетининг 7 фоизи сарфланади. Бу эса давлатимизнинг мазкур соҳада олиб бораётган изчил сиёсатининг исботидир.

Ижтимоий ҳимоя кўламини кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож тоифалари, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, фуқаролар даромадларидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи ҳам амалга оширилмоқда. 2007 йил 23 январда Президентимизнинг "Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Давлат дастурида бир-бири билан узвий ва мантиқий боғлиқ йўналишларни ўзида қамраб олган еттита кенг кўламли иш ўз аксини топган.

Албатта, ушбу вазифаларни самарали бажариш учун янги қонунлар қабул қилиш талаб этилади. Шу боис, Давлат дастурига мувофиқ, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Ундан асосий мақсад — болалар, жумладан, етим ва ота-она қаровисиз қолган фарзандларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи қоида ҳамда бошқа ҳуқуқ меъёрларини мустаҳкамлашдан иборат. "Тиббий суғурта тўғрисида"ги қонунда эса, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурталаш тамойилларини назарда тутувчи меъёрлар, тиббий суғурта ташкилотини танлаш, барча турдаги тиббий суғуртадан фойдаланиш имкониятлари ўз ифодасини топади. Яна тиббий муассаса ва суғурта ташкилотларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини назарда тутувчи меъёрларни белгилаш ҳам назарда тутилмоқда. Булар, ўз навбатида, фуқароларимизнинг соғлиғини сақлашга бўлган ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш имкониятини янада кенгайтиради ва кафолатлайди. Дастурда назарда тутилган "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касбий касалликлардан давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида" ги янги қонун қабул қилиш устида ҳам ишлар олиб борилаяпти.

Давлат дастурининг амалдаги қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга тегишли банди бўйича "Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги каби қатор

Мушоҳада

қонунларга ва Уй-жой Кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилаяпти.

Бундан ташқари, хукумат томонидан қабул қилинган бир неча низомларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартиботини такомиллаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжатни қабул қилиш ҳам олдимизга қўйилган вазифаларнинг биридир.

Дастурда "Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослашган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисини йўқотган болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, "Сен ёлғиз эмассан" деган мақсадли вазифани ҳаётга жорий этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар, манзилли ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмаклашиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда маҳаллаларнинг ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳам белгиланган.

Жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш, оналик ва болалик ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш, "Соғлом она – соғлом бола" ҳаракатини кенг кўламда рағбатлантириш бўйича келгусидаги фаолиятни янада чуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирлар ҳам бу борада катта ишлар қилиниши зарурлигини кўрсатиб турибди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Давлат дастури доирасида вилоятлар, туман (шаҳар), маҳаллалар ва жойларда ҳам маҳаллий дастурлар ишлаб чиқилган ҳамда улар мазмунан мунтазам бойитиб борилмоқда. Бу ҳам ижтимоий ҳимоя мамлакат миқёсида бир хилда табақалашган, аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда олиб борилаётганлигидан дарак беради. Президентимиз Конституция қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси аҳамиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, Давлат дастурида белгиланган вазифалар, йўналишларни республикамизнинг барча ҳудудларида амалга оширилишини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Фикримизча, бу савобли ишни ҳаётга татбиқ этишда корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари вакиллари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик ўз ҳиссасини қўшса, айни муддао бўларди.

Илҳом НАСРИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.

МАМЛАКАТ бўйлаб

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР САЛОҲИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонасининг ўзи ҳам темир йўл транспортидаги энг муҳим жараён – тепловоз, электровоз ва юк вагонлари таъмири ҳамда уларда ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар учун халқаро сифат сертификатига сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастлабки ўнта вагон-цистернага ушбу корхона тамғаси босилган.

Компаниянинг "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" янги темир йўл линияси қурилишида энг мураккаб тоғ-тупроқ ишларини сифатли амалга ошираётган яна бир ноёб корхонаси – махсус механизациялашган йўл станцияси /СПМС/ ташкил этилганига атиги икки йил тўлди. Қисқа фурсат ичида бу жамоа, айниқса, мураккаб тоғ шароитида йўл кўтармаси ва сунъий иншоотларни барпо этишда катта тажриба орттирди.

Станция раҳбари Эркин Умматовнинг айтишича, 2006 йили жамоа 11,5 миллион куб метр тупроқ ишларини бажарган. Йўл қурилиши жараёнида мазкур корхона фаолиятини атрофлича ўрганиб чиққан нуфузли халқаро ташкилот унинг салоҳиятини юқори баҳолади ва станцияга ISO-9001 сертификатини топширди. Шундай қилиб, махсус механизациялашган йўл станцияси жамоаси исталган давлатда шундай йирик иншоот қурилишига бағишланган халқаро тендерларда қатнашиш учун ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Бундан бир йил муқаддам "Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи" очиқ акциядорлик жамияти ҳам халқаро мувофиқлик сертификатини қўлга киритган эди. Завод эндиликда минтақамиздаги давлатларга йўловчи вагонларни таъмирлаш бўйича ўз хизматини фаол экспорт қилмоқда.

(ЎзА).

Сарсенбойнинг сумалаги

«Ташаббус-2007» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича ғолиб чиқиб, Президентимиз совғини — «Матиз» русумли автомашинада ўзи туғилган Тахтақўпир туманининг Мақпалқўл қишлоғига қайтиб келган Сарсенбой Сейтназаров овулдошларини сумалак сайлига чорлади. Тотли сумалак тановулидан кейин фермер ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга совға-саломлар тарқатди.

— Фермер хўжалигимиз даромадидан уруш қатнашчиларидан бир гуруҳининг саломатлигини мустаҳкамлашларига ҳомийлик қилмоқчимиз, — дейди С.Сейтназаров. — Чунки хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатган одам кам бўлмайди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан жорий йил мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш, шу орқали жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи изчил бажарилмоқда.

Мурувват ёрдами топширилди

Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Бу жараёндан наинки мамлакатимизнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар, айни чоғда, хорижий давлатлар компаниялари ва халқаро ташкилотларнинг юртимизда фаолият кўрсатаётган ваколатхоналари ҳам четда турмаётгани эътиборга молик.

Тошкент шаҳридаги 1-клиник касалхонада "Project HOPE" (АҚШ) ноҳукумат ташкилотининг қиймати 10 миллион долларлик гуманитар ёрдамини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мурувват ёрдамини пойтахтимиз, шунингдек, Навоий, Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт муассасаларига тарқатиш режалаштирилган. Бу ёрдам таркибида антибиотик, антивирус, гипертонияга ва ўсмага қарши дори воситалари, шунингдек, витаминлар мавжуд.

"Project HOPE" ноҳукумат ташкилотининг ваколатхонаси мамлакатимиздаги фаолиятини 2000 йилда бошлаган. Ўтган даврда ушбу ташкилот томонидан бир неча маротаба инсонпарварлик ёрдами тақдим этилган.

— Бундай хайрли тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров. — Мазкур гуманитар ёрдам туфайли қанчадан-қанча одамлар дардига дармон топади.

Тадбирда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл, ЮСАИД ва "Project HOPE" ноҳукумат ташкилоти вакиллари иштирок этди.

(ЎзА).

Умри боқий санъат

Лапар ва ўлан ижрочилари II анъанавий республика кўрик-танловининг Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номидаги театрда ўтказилган якунловчи босқичида кўҳна ва навқирон оҳанглар яна бир бор жаранглади.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари баҳслашдилар. Ҳар бир жамоа ўзи яшаётган ҳудудга хос урф-одат, анъаналарни ифодалаган халқ қўшиқларини маҳорат билан куйлади.

Ҳакамлар ҳайъати Наманган вилояти бадиий жамоасини лапарчилик бўйича олий ўринга муносиб топди. Фарғона вилояти лапарчилари биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, бухороликлар ҳамда самарқандликлар учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Ўланчилар баҳсида эса олий ўрин Андижон вилояти бадиий жамоасига насиб этди. Жиззахлик ўланчилар биринчи, Сурхондарё ва навоийликлар иккинчи, Хоразм ҳамда Қашқадарё вилоятлари вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

Дайратутда шифо маскани

Самарқанд вилояти Нуробод туманининг тоғлар бағридаги Дайратут қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Ушбу иншоотни барпо этишда вилоят инжиниринг компанияси бинокорлари ғайрат кўрсатишди. Дайратутлик тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар ҳам эзгу ишдан четда қолишмади. Натижада бу маскан замонавий тиббий асбоб-ускуналар, физиотерапевтик аппаратлар, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди.

А. САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Экосан» муруввати

Марғилонга «Экосан» халқаро ташкилотининг туҳфалари ортилган поезд келди. Ундаги кийимбош, кундалик эҳтиёж моллари 10 та мактаб-интернат ўқувчилари, 3 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат ногиронлари ҳамда 10 минг нафар эҳтиёжмандга тарқатилди.

Шунингдек, хайрия поездини кузатиб келган бир гуруҳ олимлар, адиблар, мутахассислар Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан «Қадимий Марғилон: экологик маданият, табиат ва инсон» мавзуидаги илмий-амалий анжуманда иштирок этдилар.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий гузар

Амударё тумани марказида замонавий ёшлар гузари фойдаланишга топширилди. У ёшларнинг никоҳ тўйлари, оилавий тантаналарини ўтказиш учун мўлжалланган. Мажмуа меъморчиликнинг энг сўнгги андозалари асосида барпо этилди.

Қ. ЯНГИБОЕВ.

Шундай ишлар борки, ўз вақтида бажарилмаса, эътибор қаратилмаса, кейин кеч бўлади. Масалан, ёшлар тарбиясини олайлик. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам асосий эътиборни ана шунга қаратиб, шу мақсадда бир қатор лойиҳа ва ишларни амалга оширмоқда. Энди шу хусусда фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

«KAMOLOT»НИНГ НИЯТИ — ёшлар камолоти

Янги лойиҳа, илк қадамлар

Албатта, даромадли иш топиш осонмас. Қўлида тайинли ҳунари бўлмаган киши арзимаган манфаат эвазига турли йўлларга кириб кетиши мумкин.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ёшларнинг илғор сафини шакллантиришга кўмаклашиш, ёшлар меҳнатини рағбатлантириш, Ҳаракат аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида "Камолот"-фермер хўжаликлари" ва "Камолот"-корхона" лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Жумладан, лойиҳа бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида "Камолот"-балиқчи" хўжалиги, Кегайли туманида гилам тўқиш цехи, Тўрткўл туманида иссиқхона, Нукус туманида помидор, бодринг етиштирувчи ва боғдорчиликни ривожлантирадиган фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ушбу корхона ва ташкилотларнинг жадал фаолият олиб боришига кредитлар фоиз миқдорларининг баландлиги ёки кредит миқдорлари кам берилаётганлиги тўсиқ бўлиб турган эди. Қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли муаммолар ечимини топаяпти.

Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳридаги "Камолот"-авто" корхонасида автомобилларга фильтрларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Банкдан кредит маблағлари олиш масаласи ҳал этилди, энди корхона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Бухоро ҳамиша дунё сайёҳларининг диққатини ўзига тортиб келади. Бироқ сайёҳларни чорлаб, уларга шароит ҳозирлаб берадиган корхоналар етарли эмас. Шуни эътиборга олиб, Бухоро шаҳрида "Бухоро-«Камолот»-сайёҳ" шўъба корхонасига асос солинди.

Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги "Айридевол" қишлоқ фуқаролар йиғинида эса "Камолот" - чорвадор" жун йиғиш ва қайта ишлаш корхонаси ташкил этилиши туман аҳолисини беҳад қувонтирди. Негаки, туман чорвадорларида қўй ва эчки жуни кўп. Улар имтиёзли кредит олиб ишлай бошлаган корхонага қўй ва эчкилар қирқимидан йиғилган жунларни сотиб, даромадга эга бўла бошлади. Туман миқёсида деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида "Камолот"-фермер хўжаликлари» ва корхоналарини ташкил этиш юзасидан тумандаги банк реквизитларига эга тадбиркор ёшлар томонидан 12 та бизнес-режа тақдим этилди. Ҳозир бирламчи меъёрий ҳужжатлар тайёрланиб, Ҳаракатнинг туман Кенгашига тақдим қилинган.

Албатта, ёшларнинг катта қисми пойтахт — Тошкент шаҳрида яшайди. Қолаверса, бу ерда республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёшлар таълим олишади, касб-ҳунар ўрганишади, ўзларига иш топишади. Шу ҳолат эътиборга олиниб, Собир Раҳимов туманида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси, Учтепа туманида қурилиш материаллари (ғишт, шифер, черепица) ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Ушбу корхоналарда бугун юзлаб ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Умуман, лойиҳалар асосида ташкил этиладиган 57 та фермер хўжалиги ва корхона мамлакатимизнинг барча туманларини қамраб олади, жойларда ишсизлар сонининг сезиларли даражада камайишига хизмат қилади.

Ҳам юмуш, ҳам ҳордиқ

Икки йилдирки, ёзги таътил даврида талабаларнинг бўш вақтини маънавий ва моддий жиҳатдан фойдали ташкил этиш мақсадида "Бунёдкор меҳнат" шиори остида уларнинг меҳнат гуруҳлари уюштирилмоқда.

Меҳнат гуруҳлари — талабалар жамоавий ҳамкорлигига асосланган кўнгиллилар бирлашмасидир. Унда талабалар 25 июндан 15 августгача, 50 кун давомида фаол ижтимоий меҳнат билан машғул бўлиб, ўзларининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш имкониятларига эга бўладилар.

2005-2006 ўқув йилида мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Наманган вилоятларидаги 12 та таълим муассасасида 69 та меҳнат гуруҳи фаолият кўрсатди. Жами 2447 нафар талаба ташкилотлар, муассасалар, хўжаликлар билан шартнома асосида 53 та объектда иш олиб борди.

Ҳунарли кам бўлмас

Халқимизда «Ҳунарли хор бўлмайди» деган нақл бор. Шу боисдан бугунги кунда ёшларга таълим бериш билан бирга, уларга касб-ҳунар ўргатиш ҳам давлат иши даражасига кўтарилди.

Ана шундай муҳим талабни инобатга олиб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлар ижтимоий хизматлари марказ»ларини ташкил этмоқда. Жойларда ёшлар ушбу марказлар базасида касб-ҳунар сирларини эгаллашмоқда.

Бухоро вилояти Кенгаши қошидаги марказ тўрт йўналишда ишни йўлга қўйган: булар — ҳуқуқий дебат клуби, бизнес-клуб, мусиқий эстрада ва театр клуби, информацион технологиялар клублари. Уларда 1200 дан ортиқ ёшлар ўзлари танлаган йўналишлар бўйича касб-ҳунар эгалламоқда.

Марказда 11 та компьютер ёшлар ихтиёрида. Ўқув қўлланмалари етарли, 100дан ортиқ адабиётлар мавжуд.

Ҳозир республикамизда 43 та "Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази" фаолият юритмоқда. Жорий йил давомида яна бешта марказ ташкил этиш режалаштирилган. Улар Жиззах вилоятининг Дўстлик, Мирзачўл, Янгиобод, Пахтакор туманларида ҳамда Навоий вилоятининг олис Томди туманида ёшларга ўз эшикларини очади.

Ҳаракатга муносабат ўзгармоқда

Шу кунга қадар «Камолот» томонидан республикамиздаги турли олий ўқув юртларининг 2961 нафар талаба-ёшларига тижорат банкларидан таълим кредити олишда,

Нигоҳ

айрим сабабларга кўра, талабаликдан четлаштирилган жами 2432 нафар ёшнинг ўқиш жойларига қайта тикланишида амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 6180 ҳолатда иқтидорли талаба ва ўқувчиларга ижод намуналарини чоп эттириш, кўргазмаларини ташкил этиш, турли мусобақа ва танловларда қатнашишларида ташкилий ва молиявий ҳомийлик қилинди.

Ўқишда, илм-фанда юқори кўрсаткичларга эришган олий ўқув юрти талаба-ёшларидан 20 нафари "Камолот" стипендияси билан рағбатлантирилмоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий тавсиянома асосида тўлов-контракт бўйича олий ўқув юртларига қабул қилинган 2731 нафар талаба контракт-тўловининг 35 фоизи Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши томонидан тўланмоқда.

Шунингдек, Ҳаракат ташаббуси билан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шартномаси асосида ўқийдиган талабаларга "Камолот" — таълим гранти" танлови ташкил этилиб, ғолиб чиққан 30 нафар талабага ўқиш учун бир йиллик контракт-тўловининг 50 фоизи тўлаб берилди.

Айтмоқчимизки, ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли ёшларнинг "Камолот"га нисбатан қараши ўзгармоқда. Эндиликда улар Ҳаракатни шунчаки тадбирбоз ташкилот эмас, ёшларнинг энг яқин ҳимоячиси ва кўмакчиси, деб билмоқдалар.

Гап ўрнига амалий иш

Президентимизнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги Қарорида ташкилот фаолияти танқидий-таҳлилий баҳоланиб, галдаги вазифалари аниқ кўрсатиб берилган. Бугун Ҳаракат фаолиятини ташкил этишда асосий мезон — ана шу Қарорда белгиланган вазифалардир. Бу ҳужжатда таъкидланганидек, бугун ёшларни уюштириш ва катта мақсадларга жалб этишда расмиятчиликдан узоқлашиб, аниқ ҳаётий ғоялар ва амаллар билан уларнинг ишончини қозониш катта самара беради.

Бир сўз билан айтганда, ҳозир ёшлар "Камолот"да нимани кўрмоқчи ва нима учун унга интилишаяпти, деган масала ташкилот фаолларининг доимо диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ,
журналист.

Банк

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги барқарорлик, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, аҳоли реал даромадларининг ўсиши, ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг мавжудлиги фуқароларнинг молия муассасаларига бўлган ишончини оширмоқда. Айниқса, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Омонатингиз кафолатланган

Кеча пойтахтимизда Марказий банк, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ҳамда Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори ижроси ва мазкур ҳужжатнинг қабул қилинганига беш йил тўлиши муносабати билан давра суҳбати ташкил этилди.

Таъкидландики, қонунда акс этган мақсадларга эришиш борасида Фонд ва тижорат банклари томонидан олиб борилган амалий чоралар туфайли аҳолининг банклардаги омонатлари ўтган беш йил ичида 7,4 баробар ўсди. Бу, ўз навбатида, банкларда узоқ муддатли молиявий ресурсларнинг шаклланишига ва ушбу маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтиришга, шунингдек, истеъмол кредитлари ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилаётир.

— Ушбу Қонун талаблари ижросини таъминлаш ва аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда, — дейди АТ "Ўзсаноатқурилишбанк"и хусусий мижозлар билан иш олиб бориш бўлими бошлиғи Нурилла Эргашхўжаев. — Мисол учун, банкимиздаги аҳоли омонатлари қолдиғи, жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра, 112405,6 млн. сўмни ташкил этди. Ҳолбуки, бундан беш йил муқаддам бу миқдор 7,484,4 млн. сўм эди. Эътиборлиси, ҳозирга келиб, банкимиз омонатчилари сони 500 мингтадан ошди. Бу, албатта, пул маблағларини сақлашда аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганидан дарак беради.

С. ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

БОҒЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Хусусан, Р.Шредер номидаги мева-шарбат, боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясида истиқлол йилларида мевали дарахт ва токларнинг ўттиздан ортиқ янги навини яратилди. Жумладан, олманинг «Фарғона гўзали», «Қизил тарам олма», ўрикнинг «Мароқанд», «Қизил қантак», нокнинг «Салом-2», «Саригўзал», узумнинг «Ризамат», «Ҳусайни мускат» навлари Давлат нав синаш комиссиясига топширилди.

Бу ерда халқимизни мевали, манзарали дарахт ва ток кўчатлари билан таъминлаш ҳамда тегишли тавсиялар бериш борасидаги ишлар ҳам кенг йўлга қўйилган.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.



Марҳамат туманидаги «Мирзаахмад-Саховат» фермер хўжалиги бу йил 14,5 гектар майдонда уруғлик ғалла етиштирмоқда. Шу кунларда мазкур хўжаликда иш қизғин. Буғдой майсалари иккинчи марта аммиакли селитра билан озиқлантирилмоқда. Ана шу агротехника тадбирини амалга оширишда эса тумандаги «Тонг маъбудаси» муқобил машина-трактор парки жамоаси яқиндан ёрдам бераяпти.

СУРАТДА: «Тонг маъбудаси» муқобил машина-трактор парки механизатори Олимжон Тўраев.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

САНДИҚСОЗЛИКДАН МЕБЕЛСОЗЛИККА

Яқинда Термиздаги «Ўзтехпрогресс» акциядорлик жамияти идорасида токча мебелни кўриб, беихтиёр «Бу жиҳоз қайси хорижий мамлакатники?» дея сўрадим.

Жамият бошлиғи Шомил Ҳикматов жилмайиб:

— Ўзимизда ишланган, Сурхондарёда! Бойсунда! — деди.

Ислоҳот

Бежиримлиги ва нафислиги билан эътиборимни тортган бу маҳсулотлар, ростдан ҳам, Бойсундаги «Жило-Файз» хусусий корхонасида тайёрланаётган экан. Корхона тарихи эса бевосита маҳаллий ҳунарманд Бўри Маматов билан боғлиқ. Бўрибой ака — ўқитувчи. Мактабда меҳнат таълимидан болаларга сабоқ берган. Ҳунарманд. Бўш вақтларида сандиқсозлик билан шуғулланган. У олти нафар ўғлига ҳам игна билан қудуқ қазиган мисол машаққат чекиб ҳунар ўргатган.

Лекин майда иш билан унча-мунчага одамнинг косаси оқариши қийинлигидан у хавотирда эди. Қўл билан ёғочни неча кун қиртишлаб ясаган сандиғингни тоғ ошиб бориб сотиб келиш осон бўлмаса. Янги замон удумларига маҳлиё бўлиб, одамлар эндиликда уйларини кўркам мебеллар билан тўлғазишга ошиқаётган бўлса.

Отанинг бу хавотирларини биринчи бўлиб унинг учинчи ўғли — Баҳриддин англади. Англагани ўз йўлига. Европа ҳамжамиятининг қишлоқ иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш дастури ҳунармандлар оиласининг ниятларига эш бўлди: кредитга замонавий асбобускуна харид қилдилар. Ҳунарга ҳавасманд ёшлар Германия, Польша давлатларига малака оширишга юборилди. Кейин бозор талаби ўрганилди. Ва кўп ўтмай, «Ишонч» деб аталадиган корхонанинг хоналарини ижарага олиб, ишга киришдилар.

Ҳозир бу ерда қирқта одам ишлайди. Ҳар ишчи ҳисобига йилига 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Муҳими, уларнинг маошдан, эртанги кун шукуҳидан кўнгиллари тўқ. Қурилаётган касб-ҳунар коллежлари, таъмирланаётган мактаблар жиҳозларни «Жило-Файз»дан харид қилмоқда. Нуфузи баланд савдо дўконлари «Жило-Файз» билан ҳамкорлик қилишга иштиёқ билдирмоқда.

Корхона раҳбари Баҳриддин Маматов қилинган ишлардан ҳам кўра кўпроқ режаларга урғу бериб гапиради.

— Яқин орада яна инвестиция киритамиз, — дейди у. — Иш ўринларини олтмиштага кўпайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар оширамиз. Буларнинг ҳаммаси истиқлол бизга берган имконият туфайлидир. Мустақил Ўзбекистон учун биз қанча ишласак, шунча оз.

Мен Баҳриддиндан яхши ишлаётганларни сўрайман.

— Маошини берсанг, ёмон гапирмасанг, ҳамма яхши ишлайди, — дейди у. — Мана, Нурали Маматқулов, Акмал, Суҳроб. Ака-укаларим Камолиддин, Фахриддин, Зайниддин, Муҳиддин, Ҳусниддин Маматовлар...

Қаранг, Маматовларнинг ўзини ёзаверсангиз, бир варақ қоғоз тўлади. Улар — Бўрибой сандиқсознинг бугун хорижлик сармоядору ҳамкорлар билан тенгма-тенг гаплашиб турган ўктам ўғлонлари. Ҳеч кимдан кам бўлмаган ўзбекнинг ўғлонлари.

Ҳа, Бўрибой аканинг фарзандлари шунчаки сандиқсоз, бир маҳалла наридагилар танимайдиган қишлоқ косиби бўлиб қолиши мумкин эди. Шу боис ҳаммаси бугунги ёруғ кунларга шукур қилиб, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида изланмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Айбига иқрор

Гаага трибунали Драган Зеленовични ҳарбий жиноятларда айбдор деб топиб, 15 йилга озодликдан маҳрум этди. У 1992 йилда собиқ Югославия ҳудудида тинч аҳолини турли қийноқларга солган эди. Д.Зеленович суд жараёнида барча айбларини тан олган ва қилмишига яраша жазога тайёрлигини билдирган.

Зеленович 2006 йил июнь ойида Гаага трибуналига келтирилганди. У шу пайтга қадар сохта ҳужжатлар билан Россияда яшириниб юрганди. Айни пайтда Гаага ҳарбий судида 160 нафар одам устидан жиноий иш олиб борилаяпти. Шундан 6 нафари ҳамон халқаро суддан яшириниб юрибди.

Портламаган бомбалар сабаб

Ҳарбий ҳаракатлар содир бўлган 80 та мамлакат ҳудудларида бугун портламай қолиб кетган бомбалар ва снарядлар оқибатида йилига 15 минг нафар одам ҳалок бўлаяпти. Бу ҳақда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун баёнот берди. Унинг сўзларига кўра, урушни бошдан кечирган давлатлар ҳукуматлари бунинг олдини олишга жиддий эътибор қаратиши лозим.

Сербия Президенти Борис Тадич расмий Белград Косово мустақиллигини ҳеч қачон тан олмаслигини маълум қилди. «Сербия ўз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги учун курашади» дея баёнот берди у.

Тадичнинг фикри

Ҳафта бошида БМТ Хавфсизлик Кенгашида мазкур масала юзасидан ўтказилган дастлабки муҳокамаларда унинг 15 аъзосидан 4 тасигина халқаро ҳамжамиятнинг махсус вакили Марти Ахтисаарининг режасини қўллаб-қувватлаган, холос. Мазкур режага мувофиқ, Косовога деярли мустақилликка тенг мухторият берилиши кўзда тутилган. Борис Тадич журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, агар Косово якка тартибда мустақиллигини эълон қилса, бу ҳолат бутун дунё барқарорлигига жиддий таҳдид туғдиришини таъкидлади.

Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад чоршанба куни мамлакат чегарасини бузганликда айбланиб ушланган 15 нафар Буюк британиялик денгизчи озод қилинганлигини эълон қилди.

Денгизчилар озод этилди

Хориж журналистлари учун ўтказилган матбуот анжуманида у расмий Лондон билан ҳеч қандай келишув бўлмаганини ва денгизчиларнинг ўз уйларига қайтиши Буюк Британияга «совға» эканлигини таъкидлади. «Sky News» телеканалининг хабар тарқатишича, денгизчиларнинг озод қилинишида Сурия ва Қатар воситачилик қилган.

«Татьяна» йўқолди

Россиянинг «Татьяна» сунъий йўлдоши кутилмаганда йўқолиб қолди. «Интерфакс» ахборот агентлиги Москва Давлат университети раҳбарияти берган маълумотга таяниб тарқатган хабарига кўра, космик аппарат билан алоқа узилиб қолган. Ушбу фазовий аппарат 2005 йилда МДУнинг ташкил топганига 250 йил тўлиши муносабати билан орбитага олиб чиқилган ва у шу пайтга қадар яхши ишлаб келаётганди.

Ҳозирда космик аппарат уриб туширилган ёки фазовий жисмлар билан тўқнашиб кетган бўлиши мумкин, деган тахминлар илгари сурилмоқда.

Виктор Янукович агар Виктор Юшченко ва муҳолифат мамлакатда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказиш масаласида ўз нуқтаи назарларида

Сайловларга рози, фақат...

қатъий турса, «Украина минтақалари» партияси бунга розилик беришини таъкидлади. Бу ҳақда у мамлакатдаги дипломатик корпус вакиллари билан учрашувида баёнот берди. Украина ҳукумати раҳбари 27 майда ўтказилиши белгиланган сайловларда унинг партияси ғолиб чиқишига қатъий ишонмоқда. У мамлакатда сиёсий танглик ўзининг юқори нуқтасига етганлигини ва буни ҳал қилишда охирги сўзни халқнинг ўзи айтиши лозимлигини қайд этди.

Хавотирнинг сабаби нимада ?

АҚШ Президенти Ироққа қўшимча ҳарбий кучлар жўнатиш зарурлигини таъкидлади. У Калифорнияда жойлашган Форт-Ирвин ҳарбий базасида қилган чиқишида Ироқдаги зиддият кенгайиб, минтақа бўйлаб ёйилиб кетишидан ва АҚШнинг асосий иттифоқчиси бўлган Исроилга таҳдид кучайишидан хавотир билдирди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдоси эълон қилади:

Самарқанд тумани «Ўрташик маҳалласида» «Бахт уйи» биноси қурилиши.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 5 ой.
Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маблағлари ва маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Ота-турк кўчаси, 21-уй.
Телефон: (8-3662) 33-13-59.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаб, тажриба ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-«Г» корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида соат 16.00 да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги махсус автотранспорт воситалари ва кимёвий реагентлар сотиб олиш учун 02/07-сонли

тендер савдосини эълон қилади:

Лот №1. 25 тонналик автокран — 1 та.
Лот №2. «Беларусь» русумли экскаватор-бульдозер — 1 та.
Лот №3. Ассенизацион машина — 1 та.
Лот №4. Ярим тиркама (полуприцеп) — 1 та.
Лот №5. Сув сепиш машинаси — 1 та.
Лот №6. Қулочи 22-24 м. бўлган механик қўл (механическая рука) — 1 та.
Лот №7. Ён томондан тўкадиган чиқинди ташувчи машина — 1 та.
Лот №8. 10 тонналик сув ташувчи автоцистерна — 1 та.
Лот №9. 20 тонналик автосамосвал — 1 та.
Лот №10. Юклагич (погрузчик) — 1 та.
Лот №11. Эгарсимон шатак (тягач) — 1 та.
Лот №12. 40 тонналик контейнер ташувчи ярим тиркама — 1 та.
Лот №13. Автобус — 1 та.
Лот №14. Иссиқликни алмаштирувчи аппарат найлари ўрамини чиқариб олишда ишлатиладиган мослама-асбоб (экстрактор-съемник) — 1 та.

Тендер муддати эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

731300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони, Шўртан газ-кимё мажмуаси.
Телефонлар: (998 75) 221-00-19, 780-85-72.
Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: sgcc@sgcc.uz

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши, фермер хўжаликлари агросаноат тизимидаги ишлаб чиқариш ва молия-иқтисодий муносабатларда етакчи кучга айланганлиги, саноат, айниқса, қайта ишловчи корхоналарнинг қишлоққа кенг кўламда кириб бориши «Пахтабанк» ва унинг маҳаллий бўлимлари олдига янги, янада масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Банк тизимидаги ислоҳотлар жараёнида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, «банкларнинг устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва сармоя киритиши мумкин бўлган инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш»нинг аҳамияти ошмоқда.

«Пахтабанк»: КЕНГ КЎЛАМЛИ ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ – МУВАФФАҚИЯТ ҒАРОВИ

Жаҳон андозаларига интилиб

Банк ташкилий тузилмани ва стратегияни жаҳон андозалари даражасига кўтариш орқали молиявий барқарорликни таъминлаб бориб, аҳоли ва кенг жамоатчиликнинг юксак ишончига эришмоқда. Натижада банк ликвидлиги меъёрларига риоя қилинган ҳолда даромадлилик даражасини ошириб, капитал ва ресурслар базалари мустаҳкамланишини таъминлаяпти. Якунланган йилнинг сўнгги куни ҳолатига кўра, банкнинг жами активлари 503,9 миллиард сўмни ташкил этди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 44,9 фоиз ўсиш, демакдир.

Жами активлар таркибида даромад келтирадиган активлар салмоғи 76,8 фоизга етиб, 386,9 миллиард сўмни ташкил қилди. Яъни йил бошидаги даражага нисбатан 67,3 фоиз ўсишга эришилди. Шу муддатда жамланма капитал 13,2 фоиз кўпайиб, 66,2 миллиард сўмга етди. Капиталнинг етарлилик коэффициенти меъёрдан 1,9 фоиз юқори кўтарилиб, 11,9 фоизга тўғри келди. Биринчи даражали капиталнинг жами капиталдаги салмоғи эса, белгиланган энг кам даражадан 32,5 фоиз юқори бўлиб, 82,5 фоизга етди.

Бу ўсиш филиаллар тармоғини, банк хизмати ҳамда маҳсулот турларини янада кенгайтириш, омонатчилар, акциядорлар ва бошқа кредиторлар манфаатларини ишончли ҳимоялаш, бизнес-режа ва бюджетни бажариш, пировардида етарли миқдорда фойда олиш имконини берди. Энг муҳими, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини молиялаштириш кўламлари кенгайтирилди.

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш – асосий вазифа

Ўтган йили мамлакатимизда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл етиштирилди. Бунда «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом муҳим ўрин тутди.

«Пахтабанк» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йилнинг 11 августида рўйхатга олинган ана шу ҳужжат асосида бултур пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 36 минг 256 та қишлоқ хўжалик корхонасига 261,3 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратди. Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 30 минг 514 та қишлоқ хўжалик корхонасига ажратилган жами маблағ 55,3 миллиард сўмга етди.

Натижада қишлоқ хўжалик корхоналари иш ҳақи, минерал ўғитлар ва ўсимликларни зараркунандалардан кимёвий ва биологик ҳимоялаш, машина-трактор парклари томонидан кўрсатилган хизматлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш, электр қуввати, уруғлик ва ва сувдан фойдаланиш мақсадларига ўз вақтида етарли маблағ йўналтириб туриш имкониятига эга бўлдилар.

«Пахтабанк»нинг давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштиришни такомиллаштириш жараёнларидаги иштироки тобора фаоллашиб бормоқда. Пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар ҳисоб-китоби, бизнес-режаларни тайёрлашда бевосита ёрдам кўрсатилаётир. Шу туфайли фермерлар кредит маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш малакасини эгаллаб, уларни вақтида қайтариш масъулиятини тобора чуқур ҳис эта бошладилар.

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг моддий-техник даражаси ҳам муттасил яхшиланиб бормоқда. Бунда «Пахтабанк» ва унинг филиаллари кўрсатаётган ёрдамнинг салмоғи сезиларли даражада ошаётир. Ўтган йили техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 39,5 миллиард сўм ажратилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналари минерал ўғитлар сотиб олиш, чорвачиликни ривожлантириш, уруғлик картошка етиштириш, ёнилғи-мойлаш материаллари харид қилиш каби мақсадлар учун 6,2 миллиард сўм кредит олишди.

Банк қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун чет эл кредит йўналишларини жалб қилишга ҳам жиддий эътибор қаратаяпти. Чунончи, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаси Элликқалъа, Нишон, Шеробод ҳамда Оҳангарон, Осиё Тараққиёт банки лойиҳаси эса Зомин, Каттақўрғон, Ангор, Музработ ва Термиз туманларини қамраб олган. Шу лойиҳалар доирасида 319 та қишлоқ хўжалик корхонаси ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга якунланган йилда 15,5 миллион АҚШ доллари миллий валютадаги курс баробарида узоқ муддатли кредитлар сифатида ажратилди. Бу йил эса «Пахтабанк» Осиё Тараққиёт банки лойиҳаси доирасида 4,9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратиш режасини амалга оширмоқда.

Мақсад – аҳолининг турмуш даражасини кўтариш

«Пахтабанк» мамлакатимиз шаҳарлари ва туман марказларида, қишлоқларда чакана савдо тармоғини кенгайтиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшаётир. Янги савдо дўконлари ва супермаркетларнинг филиаллари тармоғини кенгайтириш, уларни халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш, айланма маблағларни тўлдириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Буни ўтган йили бу банк кредитидан фойдаланувчи савдо корхоналарининг улгуржи ва чакана товар айланмаси 157 миллиард 380 миллион сўмга етганлигида яққол кўриш мумкин. Ана шу маблағнинг 80 фоизи чакана товар айланмасига тўғри келиши айтилса, қишлоқда истеъмол бозори қўламлари қанчалик кенгайиб бораётганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Маълумки, 2006 йили Президентнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида қишлоқ туманларида 109 та агрофирма ташкил этилди. «Пахтабанк» уларга шартнома асосида тўлақонли ҳизмат кўрсата бошлади. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш мақсадларида фойдаланиш учун сўнгги икки йилда вино саноатининг бешта корхонаси 559 миллион сўм, бевосита узумчиликка ихтисослашган 24 та агрофирма 520 миллион сўм миқдорида кредит олди.

Банк филиаллари янги ташкил этилган агрофирмаларга имтиёзли асосларда кредитлар бера бошлади. Жумладан, Хоразм вилоятидаги «Воҳа агросервис», Гурлан туманидаги «Намуна агросервис» агрофирмаларига моддий бойликлар сотиб олиш учун етарли миқдорда шундай кредитлар берилди. «Пахтабанк» филиаллари ажратган кредитлардан фойдаланиб, Бухоро вилоятидаги «Вобкент агромаҳсулотлари» агрофирмаси консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга киришди. Наманган вилоятидаги «Тикланиш Нанай боғбони», Сурхондарё вилоятидаги «Олтинсой узум» сингари бир қатор агрофирмалар эса банк кредитидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўсиш суръатларини барқарор тус олдиришга муваффақ бўлаётир. Натижада қишлоқларда янги иш жойлари барпо этилиб, маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт салмоғи ортиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк туманлар марказлари ва қишлоқларда ихчам мини технологиялар билан жиҳозланган корхоналар барпо этиш, мавжудларини янги техника воситалари билан қуроллантиришни рағбатлантира бориб, кичик бизнеси ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Пировардида қишлоқ жойларида янги иш ўринлари очилиб, истеъмол маҳсулотлари ҳажми ошмоқда, сифати яхшиланмоқда. Ўтган йили «Пахтабанк» филиаллари хизмат кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари 6069 тага кўпайиб, 111802 тага етганининг ўзи бу иш қўлами қанчалик кенг эканлигини англатиб турибди.

Бир йил мобайнида бу борада 14264 та лойиҳа молиялаштирилди. Бу мақсадлар учун 28 миллард 235 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Унинг 19 миллиард 931 миллион сўми банкнинг ўз маблағларидир.

Шу муддат ичида деҳқон ва фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишни кўзда тутувчи лойиҳаларни амалга ошириш мақсадларига ажратилган кредитлар 106 фоиз ўсиб, 9 миллиард 712 миллион сўмга етди. Айни пайтда кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар 147 фоиз кўпайиб, 6 миллиард 212 миллион сўмни ташкил этди.

Кичик бизнесни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришда Осиё Тараққиёт банки иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йили кредит шартномаси асосида ажратилган 8,3 миллион АҚШ доллари тўлиқ ўзлаштирилди. Натижада банк кредитлари ҳисобига кичик бизнес субъектлари иш ўринларини 21467 тага кўпайтириб, 16 миллиард 584 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга муваффақ бўлдилар.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари қабул қилингани ҳаммага аён. Уларнинг ижросини таъминлашга мавжуд ресурслар мақсадли йўналтирилиб, чорвачиликни ривожлантиришга йиллик режадагидан 54 фоиз кўп ёки 9 миллиард 966 миллион сўмлик микрокредит ажратилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратилган кредитлар ҳам режадагидан 30 фоиз ортиқ бўлди ёки 4 миллиард 342 миллион сўмга етди.

Кўриниб турибдики, «Пахтабанк» аҳолининг турмуш маданиятини оширишга ҳам салмоқли таъсир кўрсатаётир. Бу жараёнда бевосита қишлоқ аҳолисини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни замонавий мебеллар ва бошқа рўзғор техникаларини сотиб олишга рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Қисқа муддатда «Пахтабанк»нинг вилоятлардаги филиаллари 6252 нафар шундай мижозга 5 миллиард 396 миллион сўм истеъмол кредити берди. Шу жумладан, йил давомида фақат «ROISON ELECTRONICS» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган электротехника воситаларини сотиб олиш учун 936,3 миллион сўм истеъмол кредити ажратилди.

Ушбу йўналишдаги режалар янада катта, кенг қўламли. Чунончи Ўзбекистон аҳолисининг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, аҳолининг истеъмол кредитлари воситасида ўз турмуш даражасини кўтаришга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида реклама ва тарғибот ишлари кучайтирилаётир.

Айни чоғда қишлоқ савдо ташкилотларидан озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмоли моллари сотиб олиш учун аҳолига кредитлар ажратиш кўпаймоқда. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили озиқ-овқат ва бошқа истеъмол моллари сотиб олиш учун ажратилган кредитлар миқдори олдинги йилдагидан 4 миллиард 462 минг сўм кўп бўлди.

Халқаро ҳамкорлик – юксалишга қанот

Республикамизда инвестицион муҳитнинг муттасил яхшиланиб бораётганлиги, иқтисодий салоҳият мустаҳкамланаётгани, халқаро операциялар самарали тус олаётганлиги — буларнинг барчаси изчил валюта сиёсатининг натижаларидир. Шу боис «Пахтабанк»нинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳам кенгайиб бораётир. Шуни айтиш кифояки, хорижий валюта билан операциялар асосий кўрсаткичлар бўйича ижобий якунланди. Ҳудудий филиалларнинг бу борадаги фаолияти ҳам сезиларли даражада кенгайди.

Бир йил мобайнида биржа ва ундан ташқари бозорлардаги конвертация бўйича операциялар ҳажми 15,3 фоиз ортиб, 164,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Биржадан ташқари бозордаги операциялар ҳажми шу муддатда 1,8 марта ошди. Хорижий банклардаги вакиллик ҳисоб рақамлари бўйича айланмалар 1,7 марта кўпайди. Бу операциялар хориждаги ва мамлакат ичидаги 22 та банкдаги вакиллик ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилди. Ўтган йили Россия Федерациясининг «Промсвязьбанк» банки билан ҳам вакиллик муносабатлари ўрнатилди.

Экспорт ва импорт операциялари ҳажмининг юқорилиги сақланиб қолди. Банк мижозлари пахта толаси, линт, тўқимачилик маҳсулотлари, цемент, пахта териш машиналари, қишлоқ хўжалик техникаси, консервалар, шарбатлар ва шарбат маҳсулотларини кўплаб экспорт қилдилар. Унинг умумий ҳажми бир йилда 1,9 марта кўпайиб, 49,2 миллион долларга етди. Экспорт маҳсулотлари 13 та давлатга жўнатилди. Импорт маҳсулотларининг таркибини асосан кимёвий ҳимоя воситалари, технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, металл ва қурилиш ашёлари ташкил этмоқда.

«Travelex» ва «Western Union» халқаро пул ўтказиш тизимлари билан агентлик шартномалари тузилгани эса чакана банк хизматларини кенгайтириш имконини берди. Пул ўтказмаларини қабул қилиш ва бериш жараёни, валюта айирбошлаш шохобчалари тармоғи янада кенгайтирилди. Ҳозирги кунда «Пахтабанк» тизимида 273 та валюта айирбошлаш шохобчаси мижозларга хизмат кўрсатяпти.

«Пахтабанк» халқаро ҳамкорлик, мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишга хорижий сармояларни жалб қилиш борасида ҳам бой тажрибага эга. Унинг нуфузли халқаро молиявий муассасалар – Германиянинг КфВ банки, Осиё Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик доираси кенгайиб бораётир. Улар билан кредит йўналишларининг очилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг импорт ўрнини босувчи, рақобатбардошли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Фақат сўнгги бир йил ичида уларнинг 48 та инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга эришилди. Натижада 1550 дан кўпроқ янги иш ўрни очилди. Бу лойиҳалар барча вилоятларда иқтисодиётнинг енгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бинокорлик соҳаларини қамраб олди. Уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли 30 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрланди. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси туширилган 7,5 миллион АҚШ доллар қийматига тенг маҳсулот жаҳон бозорига чиқарилди.

«Пахтабанк» халқаро ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш мақсадида изчил иш олиб бораётир. Ҳозирги пайтда Германиянинг «Ландес Банк Берлин» банки ва Ғарбий Европанинг етакчи банкларидан бири — «Хюпоферайнсбанк» билан кенг қамровли муносабатларга киришиш йўллари ўрганилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини фаол молиялаштиришда барча манбалардан самарали фойдаланилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Бунда Осиё-Тинч океани қишлоқ хўжалигини кредитлаш ассоциацияси — АПРАКА билан мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида ўрин тутаётир. «Пахтабанк» АПРАКА ҳамда қишлоқ хўжалигини кредитлаш халқаро конфедерацияси — КИҚАнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Ўтган йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида АПРАКАнинг тадқиқот ўтказиш тузилмалари директорларининг семинари бўлиб ўтди. Унинг ишида АПРАКАга аъзо бўлган 23 та мамлакатнинг 60 та банк ва молия муассасаси вакиллари иштирок этди. Банк технологиялари бўйича ахборот тўплаш ҳамда маслаҳат бериш, замон талабларига мос ўқув дастурлари ва тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш каби бир қатор муҳим масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Семинар иштирокчилари мамлакатимизда пахта ва ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун имтиёзли кредитлар ажратишга алоҳида эътибор берилаётганлиги, бу қишлоқ инфратузилмасининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида қайд этишди. Таъкидландики, «Пахтабанк» томонидан фермерларга берилаётган имтиёзли кредитлар қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилига айланган.

Изланиш давом этмоқда

Накд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига кенг жалб қилиш молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шуни назарда тутиб, «Пахтабанк» бу жараёнларни такомиллаштириш, аҳоли учун қулай, даромадли омонатларни жорий этиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида тинмай изланмоқда.

Ана шу кенг қўламли жараёнларнинг самараси сифатида шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги бир йил мобайнида банк 14 та янги омонат турини ишлаб чиқди. «Қувонч», «Навбаҳор», «Наврўз», «Замин», «Шодлик», «Мадад»» «Ҳосил-2006», «Истиқлол», «Ишонч», «Олтин куз», «Мураббий», «Сўғдиёна», «Туҳфа» ҳамда «Адолат» сингари жамғарма ва муддатли омонатлар, айниқса, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш миқёсларини кенгайтириш имконини берди.

Коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи, икки йил муддатли «Маиший тўлов» ва уч ойдан бир йилгача муддатли омонат турлари ҳам аҳолининг кенг қатламларида алоҳида қизиқиш уйғотаётир.

Шу сингари ташкилий-тарғибот ишлари, омонатларни кафолатлаш кучайтирилганлиги натижасида, 2006 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, аҳолининг банкдаги жами жамғарма ва муддатли омонатлар қолдиғи йил бошидаги миқдорга нисбатан салкам икки баробарга кўпайди. Оқибатда банкнинг республика депозит бозоридаги ўрни мустаҳкамланиб, молия бозоридаги мавжуд молия воситалари турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш учун пухта замин яратилди.

Кейинги пайтда накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш ҳам банк бизнесининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Унинг қўламларини кенгайтира бориб, «Пахтабанк» ўтган йилнинг охирига келганда мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карточкаларни 562 минг 665 тага етказишга эришди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 2 минг 103 та терминал ўрнатилди.

Олиб борилган ташкилий-техникавий тадбирлар туфайли пулнинг пластик карталар орқали айланиши бир йилда 3,3 баробар ортди. Пластик карта ҳисоб-варақларидаги қолдиқ маблағ 9 миллиард 400 миллион сўмга етди.

Савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали ўтган йили 14 миллиард 800 миллион сўмлик пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Бу кўрсаткич бир йилда 3,5 баробар кўтарилди. Ҳозирги пайтда терминаллар орқали савдо ҳажми ҳар ойда 300 миллион сўм ошишига эришиляпти.

Банк аҳолини накд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишга кенгроқ жалб қилиш борасидаги изланишларини давом эттирмоқда. Хусусан, бу йил савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида турли дисконт дастурларини жорий этиш, ютуқли тадбирлар, бонуслар ташкил қилиш, аҳолининг маълум ижтимоий қатламлари учун имтиёзли пластик карталар ишлаб чиқишни кенгайтириш мўлжалланаётир.

Тезкор усул шарофати

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жадал давом этиб, турли мулкчилик шаклларига асосланган қишлоқ инфратузилмаси тобора шаклланаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида 2006 йили зарар кўриб ишлаётган 447 та ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилди. Бу жараёнларга ҳамқадам бўлган «Пахтабанк» мамлакатимиз туманларида 150 та мини банк очди. Бу барча тижорат банклари томонидан мамлакат қишлоқларида очилиши режалаштирилган мини банкларнинг 79,5 фоизини ташкил этадики, шунинг ўзиёқ «Пахтабанк» томонидан қисқа муддатда қанчалик катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилганлиги аён бўлади. Шу билан бирга, мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш жараёнларида 26 та мини банк очилиб, улар барча зарур жиҳозлар, замонавий ташкилий-техника воситалари билан таъминланди.

Бу йил эса, Президент қарорига мувофиқ, 329 та ширкат хўжалигининг тугатилиши режалаштирилган. Янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларини замонавий банк хизмати билан қамраб олиш мақсадида 66 та мини банк очиш мўлжалланган эди. Шундан 49 таси «Пахтабанк» томонидан ташкил этилди. Бугунга келиб тизимда фаолият кўрсатаётган мини банклар сони 700 тага етди.

Амалга оширилган жамики тадбирлар банк хизматини бевосита мижозга яқинлаштириб, хизмат маданиятини кўтармоқда. Фермерлар замонавий техника воситалари билан жиҳозланган мини банкларнинг хизматларидан баҳраманд бўлиб, молиявий операцияларни тезкор усулда, аниқ ва сифатли амалга оширишга эришмоқдалар.

«Пахтабанк» ўз мижозлари хизмати учун ҳар доим камарбастадир. Ички шериклар ва халқаро банк муассасалари билан узвий ҳамкорлик, ҳамиша янгиликка интилиш, илғор хизмат усулларини кенг жорий этиш банкка бўлган ишончни янада мустаҳкамлаб, янги-янги муваффақиятлар келтиришига ишонамиз.

«Пахтабанк» маркетинг, реклама ва матбуот хизмати бўлими.

БИРЖА — мулк савдоси ташкилотчиси

Бозор инфратузилмаси

— Мулкдор бўлишни кўпдан орзу қилардим, — дейди Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Акмалжон Турғунов қувончини ичига сиғдиролмай. — Ниятимга етдим. Бу борада менга республика Кўчмас мулк биржасининг вилоят филиали ходимлари сидқидилдан ёрдам бердилар.

— Масалан?

— Биржа жойлашган манзилга бориб, у ердагиларга мақсадимни айтдим. Мутахассислар замонавий компьютер техникаси, кўп тармоқли алоқа воситалари кўмагида савдога қўйилган кўчмас мулклар билан бир зумда таништиришди. Кейин улар таклиф қилди, мен танладим.

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлашувида ўз ўрнига, салоҳиятига эга бўлган мазкур тизим мулкнинг чинакам эгасини топишда муҳим аҳамият касб этаётгани барчага аён. Такомиллашган, замон талабларига тўла жавоб бера оладиган бу хизмат тури, айтиш мумкинки, сотувчи билан харидорни бир-бирига яқинлаштираётир. Ўртадаги алоқаларни мустаҳкамламоқда ва энг муҳими, томонларнинг манфаатини кўзлаб иш юритишга хизмат қилаётир.

— Мен, — дейди суҳбатдошларимиздан яна бири, — «Наврўз» болалар боғчасига харидор бўлдим. Бу боғча илгари шаҳримиздаги Бобур номли ипгазлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти тасарруфида бўлган экан. Мазкур корхона молиявий аҳватдан заифлашиб қолгач, боғча ишини юритиш ҳам оғир кечган. Шу сабабдан у сотувга қўйилган. Тарбияланувчилар, болакайларнинг мураббийлари нима қилишларини билмай турган бир пайтда ана шу даргоҳ менинг ихтиёримга ўтди. Мақсадим битта: болажонлар гўшасини намунали мактабгача тарбия муассасасига айлантириш.

Биржа тақдим этган ва хусусийлашган «Наврўз» болалар боғчасида бугун олий ҳамда ўрта махсус маълумотли 23 нафар тарбиячи-энага меҳнат қилмоқда. 19 нафар бола мактабгача, 31 нафар ўғил-қиз бошланғич таълим дастури бўйича машғулотларда иштирок этмоқда. Хусусий тарбия даргоҳида педагогик услублар қўлланилаётгани қувонарли. Машғулотлар олиб борилаётган хоналар компьютер ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланган. Эртамиз эгаларига она тилимиз билан бирга хорижий тиллар ҳам ўргатилмоқда. Бадиий графика бўйича махсус билим берилаётир.

Кўриниб турибдики, мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топса, «Наврўз»га ўхшаб қайта яшаради: мулкдорга ҳам, жамиятга ҳам наф келтира бошлайди.

Шу ўринда Андижондаги «152-автокорхона» очиқ акциядорлик жамиятини олиб кўрайлик. Бу корхонанинг ҳам мулк шакли ўзгарди. Жамиятнинг давлат тасарруфида бўлган улуши хусусийлашди. Натижада унинг молиявий ҳолати соғломлаша бошлади. Ўнлаб ҳайдовчилар қадрдон корхоналарига қайтиб келди. Бугунги кунда 105 нафар ишчи-хизматчи, транспорт ходими бир жамоага жипслашган. Қўли пул кўрмай қўйган меҳнат аҳли эса ўтган йилни 54,7 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Ана шу маблағнинг 20,9 миллион сўми дивиденд сифатида акциядорларга тарқатилди.

Биржа, баъзилар ўйлаганидек, сотувчи ҳам, харидор ҳам эмас. У мулк савдосини ташкил этади ва ўтказади. Мулкларнинг қандай шартларда қанча баҳога сотилиши, унинг олди-бердиси, кейинчалик ундан қай тарзда фойдаланиши мулк эгаси — сотувчи ва унга эгалик қилиш истагида бўлган харидорга боғлиқ. Мулкнинг тақдири ҳар иккала томон ўртасида тузиладиган битим, яъни олди-сотди шартномасида ўз ифодасини топади.

Биржа ходимлари хусусийлаштириш дастурига кирган давлат тасарруфидаги мулклар савдосини ташкиллаштирар экан, асосий эътиборни ошкоралик, қатнашчилар учун тенг имкониятлар яратишга қаратишаётир. Савдолардан ҳамманинг хабардор бўлиши учун воилоятдаги матбуот нашрлари, маҳаллий телевидение билан мунтазам ҳамкорлик қилинмоқда. Улар орқали уюштирилаётган биржа савдолари, харидорларга ҳавола этилаётган мулк ҳақида хабар ва маълумотлар эълон қилиб борилади. Тарғибот-ташвиқот ишлари, эълонлардан хабардор бўлган харидорлар ўзларини қизиқтирган мулкни сотиб олиш мақсадида биржа брокерига мурожаат этмоқдалар.

Харид қилиш шартномаларини келишган ҳолда, харидор-брокер билан топшириқ-шартнома тузмоқдалар.

— Ўтган йили 69 марта аукцион савдоси ташкил этилди, — дейди биржанинг вилоят филиали раҳбари Дилшодбек Иминов. — Электрон биржа савдоларида 1083 та иншоот 3 миллиард 347 миллион 955 минг сўмга сотилди. Шу жумладан, давлат иншоотларидан 144 таси 222 миллион сўмдан зиёдроққа, уй-жой қуриш учун ажратилган 112 та ер майдони эса умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан салкам ўн миллион сўмга нархланди. Бу — бир йил аввалги аукцион савдоларига қараганда 122,8 фоиз ўсишга эришилди, демакдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинган эди. Бу муҳим ҳужжат биржалар зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Хусусан суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулклар фақат «Аукцион» савдолар орқали сотилиши белгилаб қўйилди.

— Тармоқ ходимлари учун дастуриламал вазифасини ўтовчи мазкур ҳужжатнинг қабул қилинганига ҳам етти ойдан кўпроқ вақт ўтди. Унинг ижроси ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўтган даврда суд ижрочилари департаменти билан биргаликда бир қатор аукцион савдолари ташкил этилди. Уларда умумий қиймати 44,3 миллион сўмлик бўлган 33 та кўчмас мулк 57,8 миллион сўмга сотилди, — дея жавоб берди Дилшодбек Иминов.

— Суд қарорларининг ижросини таъминлашда муҳим омил бўлаётган бу жараённинг жорий йилдаги ижроси хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Савдога қўйилаётган кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, юқорида айтиб ўтилганидек, кенг реклама қилинмоқда. Шу кунга қадар бошланғич баҳоси 88,4 миллион сўм этиб белгиланган 30 та объект 129,4 миллион сўмга сотилди. Айни пайтда яна шунча миқдордаги кўчмас мулк сотувга қўйилган. Уларнинг бошланғич баҳоси — 215,8 миллион сўм. Ўйлайманки, бари ҳадемай ўзининг чинакам эгасини топади.

Биржа мутахассислари ҳозирда эришилган натижаларни янада мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ҳаракатида фаолият юритмоқдалар.

— Мақсадимиз — мижозларга кўпроқ қулайликлар яратиш, улар билан муносабатларни кенгайтириш, — дейди суҳбатдошимиз пировардида. — Юртимиз тадбиркорлари, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлигимиз қанча яхшиланса, янги имкониятлар шунча кенг очилиши муқаррардир.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«Асака» банки

Фарғона вилоятининг Қува шаҳарчасидаги мева ва сабзавотларни қайта ишлаш заводининг қуйидагилардан иборат мол-мулк мажмуасини сотади:

Кўчмас мулклар:

- *ишлаб чиқариш биноси (10794 м²);*
- *икки қаватли маъмурий ва маиший бино (720 м²);*
- *омборхоналар (5549 м²) ва бошқа ёрдамчи бино-иншоотлар.*

Асбоб-ускуналар:

- *«SIG Manzini» компаниясида (Италия) ишлаб чиқарилган, ҳўл мева ва сабзавотларни қайта ишлаб чиқариш бўйича технологик асбоб-ускуна;*
- *«Единство» компаниясида (собиқ Югославия) ишлаб чиқарилган шарбатларни асептик сақлаш цехи;*
- *«Бертуцци» компаниясида (Италия) ишлаб чиқарилган анорни қайта ишлаш бўйича линия ва бошқа асбоб-ускуналар.*

Мажмуа 5,3 гектар умумий ер майдонига эга бўлиб, девор билан ўралган.

Маълумот учун телефонлар:
(371) 120-39-51, 120-39-54.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АКАДЕМИЧЕСКИЙ БОЛЬШОЙ ТЕАТР ИМ. А. НАВОИ

Репертуарный план на апрель-май 2007 года

77-й сезон

		АПРЕЛЬ	
6	пятница	18.00	А. Эргашев. «Хумо», балет.
7	суббота	17.00	В. Моцарт. «Директор театра», опера. Г. Доницетти. «Колокольчик», опера.
11	среда	18.00	Б. Асафьев. «Бахчисарайский фонтан», балет.
12	четверг	18.00	Вечер русских романсов.
13	пятница	18.00	А. Хачатурян. «Спартак», балет.
14	суббота	17.00	Ж. Бизе. «Кармен», опера.
15	воскресенье	12.00 17.00	В. Милов. «Али Баба и 40 разбойников», опера. П.Чайковский. «Щелкунчик», балет.
17	вторник	18.00	И. Акбаров. «Леопард из Согдианы», опера.
18	среда	18.00	Вечер балета.
19	четверг	18.00	Г. Доницетти. «Любовный напиток», опера.
20	пятница	18.00	Ц. Пуни. «Эсмеральда», балет.
21	суббота	17.00	Дж. Пуччини. «Мадам Баттерфляй», опера.
22	воскресенье	12.00 17.00	И. Морозов. «Доктор Айболит», балет. Дж. Верди. «Бал-маскарад», опера.
		Международный фестиваль оперы и балета «Тошкент бахори»	
25	среда	19.00	А. Адан. «Жизель», балет.
26	четверг	19.00	Дж. Пуччини. «Богема», опера.
27	пятница	19.00	Л. Минкус. «Дон Кихот», балет.
28	суббота	19.00	Дж. Верди. «Травиата», опера.
29	воскресенье	19.00	Л. Минкус. «Дон Кихот», балет.
		МАЙ	
1	вторник	19.00	Дж. Верди. «Риголетто», опера.
2	среда	19.00	П. Чайковский. «Спящая красавица», балет.
3	четверг	19.00	П. Чайковский. «Пиковая дама», опера.
4	пятница	19.00	П. Чайковский. «Лебединое озеро», балет.
5	суббота	19.00	Дж. Верди. «Травиата», опера.
6	воскресенье	19.00	П. Чайковский. «Щелкунчик», балет.

В репертуаре возможны изменения.

Касса работает без выходных с 10.00 до 19.00. Телефон 133-90-81.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича такроран танлов эълон қилади:

Хатирчи тумани А.Ярлақабов номли ш/х ҳудудидаги 96 ўринли 82-сонли мактабнинг капитал реконструкцияси.

Буюртмачи — Навоий вилояти хокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй. Тел./факс: 224-08-81.
Реконструкция ишларини якунлаш муддати — 2007 йил 1 июль.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашувчи талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — ***Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.***
Тел./факс: (8-436) 225-53-85.

Ҳужжатлар бир тўплами(комплект) қиймати — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"

Маҳсулот сертификатланган

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

МАГАЗИН-САЛОН "Умный Дом"



- Учрежденческие и мини-АТС
- Системы видеонаблюдения
- Системы контроля доступа

Тел.: 138-9999, 137-2988 Факс 137-2977
www.setko.uz Товар сертифицирован

Фирма ўз материалларидан томларни рубероид ва битум билан ёпиб беради.
Тўлов шакли — турлича.
Телефон: 340-99-37.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

ФАЙЗЛИ ЗАМИН ҚИЁФАСИ

Марғилон дўпписининг чизиқларидек кесишган икки йўл теграсида жойлашган кўҳна шаҳар — Марғилон шу дориламон кунларда ўзининг 2000 йиллигини нишонлаш тадоригини кўрмоқда. Шаҳарда улкан қурилишлар амалга оширилаётир. Файзли замин тобора гўзал қиёфа касб этмоқда.

Бугунги суҳбатимизни марғилонликларнинг ширин каломлигию хушмуомалалигидан бошлай қолайлик. Водийда «муомалани марғилонликдан ўрган» деган ибора бор. Тўй-тўйчиқдаги, издиҳомлардаги муомала, чаққон хизмату мулозаматни кўрсангиз, ҳар қандай одам беихтиёр «Балли, отангга раҳмат!» деб юборади.

Асл марғилонлик рангирўйи тоза, нигоҳлари андишали, кибрсиз, сочлари азал-азалдан калталаниб, бошида Марғилон дўппи, қўллар кўксида, кўришишга чоғланганда қимтиниброқ, камтарона қўл чўзади. Иффат, одоб, андиша, вафою садоқат, тарихлар қатидан ўзбек аёли не яхши хислатларни эҳтиётлаб келаётган бўлса, барчаси мужассам Марғилон аёлида.

Марғилоннинг эркаги оила тушунчасини эъзозлайди, хонадонни ёмон кўзлардан асрайди. Марғилонликларнинг эшигини очсангиз, аввало, кўзингиз эшикдан кейинги пардага тушади, оила дахлсиз, пок, иймон-эътиқодли. Бу деганимиз, аёллар ичкарида чеклаб қўйилган, деган маъно бермайди. Ҳаётнинг турфа жабҳаларида уларнинг ўз ўрни бор. Марғилон аёли қут-баракани фақат уй соҳибидан излаган, аммо унинг қўлига қараган эмас. Айниқса, дўппилар, ўша етти иқлимга донғи кетган дўппилар хонадонларда аҳли аёллар томонидан тайёрланади.

Оиланинг тўкинлиги меҳнатдан эканини яхши билган марғилонликлар ўта тежамкор ва режали.

Бу ерда «бировнинг ҳақи» деган ақида бор, у ҳеч қачон бузилмайди. Ҳар бир марғилонлик учун бу муқаддас тушунча. Тарозидан уриш гуноҳи азим ҳисобланади. Ишонмасангиз, бир парча гўшт торттириб кўринг, албатта, торозининг гўшт турган палласи босиб туради. Ҳозир айрим бозорларда индамай-нетмай бировнинг ҳақи уриб қолинаётган пайтда бу ҳам ажиб бир ҳол.

Бир куни, йўлда қўқонлик бир тижоратчи йигит билан гаплашиб қолдим. Қисқаси, Марғилон универсамидан анча-мунча нарсалар харид қилибди-да, бир ўрам сариёғни унутиб қолдирибди. Анча вақтдан сўнг ёдига тушиб қайтиб борса, сариёғ устида қоғозча турган, унга «қўқонлик оғайниники» деб ёзилган экан.

— Ака, — деди у гапида давом этиб, — марғилонликлар жума намозга расталарда нарсаларини ташлаб кетаверар эканлар-а?

Бу — чин гап. Жума пешинда расталарни айлансангиз, мол эгаларини топмайсиз. Озиқ-овқат бўладими, бошқа нарсаларми, устига дока ёхуд сув қоғоз ёпадилар-да, қолдириб кетаверадилар. Улар иймон-диёнатга ишонадилар.

Марғилоннинг йигити шўх, дадил, ўзига ишонган бўлади, кексаради-ю, шукронали доно мўйсафидга айланади. Дарҳақиқат, жуда-жуда нуроний қарийдилар. Забонларидан шукроналик тушмайди. Кекса бир танишим бор, ҳар сўзида бугунги кунга шукур қилади: «Қаранг-а, — дейди у. — Марғилон дўппидеккина шаҳар эди-я, барча тор-тор уйча, ҳовличаларда бижғиб яшарди, хўб мустақиллик бўлди-ю, оёқни узатиб яшайдиган замонлар келди-я. Шаҳар кундан-кунга кенгайиб боряпти. Шукур...

Киндик қони тўкилган жойни, Ватанини севишда ҳам уларга ҳаваси келади кишининг. Шу боис бўлса керак, «Марғилон борай дедим, боролмадим» каби соғинчли орзиқиш сатрлари дунёга келгандир.

Марғилон халқи ҳақида сўз очиб, шахсий кузатишларимни ўртоқлашар эканман, икки минг йиллик тарих лавҳаларини тасаввур қилишга, Марғилоннинг улуғ ўтмишию алломалари, навқирон авлодлари ҳақида фикр қилишга ҳаракат қилдим. Икки минг йиллигинг муборак, кўҳна ва азиз Марғилоним!

Тилаволди ЖЎРАЕВ,
ёзувчи.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт



Руслан ЧАГАЕВ:

«Штутгартда ғалабам шарафига Ўзбекистоннинг давлат байроғи кўтарилиши учун бутун куч ва имкониятимни ишга соламан»

— Руслан, бутун дунёдаги сингари Ўзбекистонда ҳам барча бокс мухлислари россиялик Николай Валуев билан энг оғир вазн тоифасида WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони унвони учун бўлиб ўтадиган мусобақани сабрсизлик билан кутишмоқда. Юртдошларингиз олдинда турган мазкур беллашувга тайёргарлик қандай бораётгани, руҳингизнинг тетиклиги билан қизиқишаётгани маълум.

— Тайёргарлик жараёни икки босқичдан иборат эди. Шверин шаҳрида саралаш босқичи бўлиб ўтди. Мураббийим Михаил Тимм билан жуда жиддий машқларни бажардик, кўп югурдик, штанга кўтариш ва бошқа тайёргарликларни кўрдик. Ҳозир Гамбург шаҳрида жангга ҳозирликнинг иккинчи босқичи ниҳоясига етмоқда. Сўнгги икки ҳафта мобайнида биз фаол спарринг машқларини ўтказмоқдамиз.

— Рақибингиз сиздан бўй жиҳатдан ҳам, вазн жиҳатдан ҳам анчагина устун. Бу сизга қийинчилик туғдирмайдими?

— Албатта, бўй ҳамда вазн жиҳатдан у мендан устун, лекин бу жиҳат, ўйлашимча, унга мутлақ устунлик беролмайди. Тўғри, у каби рақиб билан беллашиш бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқаради. Шуни инобатга олган ҳолда, биз машғулотлар чоғида жисмоний кўрсаткичлари Н.Валуевникига ўхшаб кетадиган боксчиларни рақиб сифатида танладик. Жумладан, спарринг-шерикларимдан бирининг бўйи икки метрга тенг эди, бироқ вазн жиҳатдан у россиялик боксчидан анча енгил. Бошқа бир шеригим эса бўйи икки метр бўла туриб, вазни 160 килограммга яқин эди. Шу йўл билан мен жангга пухта тайёргарлик кўришга муваффақ бўлдим. Бундан ташқари, рақибим билан бўлажак жанг тактикасини ҳам яхши ўзлаштирдим. Ғолиб чиқиш учун ўзимдаги барча куч ва имкониятни ишга соламан.

— Жанг давомида қандай усулни қўлламоқчисиз?

— Ягона қарорни рингга чиққандан сўнггина қабул қиламан.

— Ўзбекистондаги кўп сонли мухлисларингизга айтмоқчи бўлган тилакларингиз борми?

— Ватандошларим ва мухлисларимга самимий саломларимни йўллаган ҳолда, улар мени доимо қўллаб-қувватлаб келаётганлари учун чуқур миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Жонажон Ўзбекистонимнинг байроғи 14 апрель куни Штутгартда баланд кўтарилиши, бутун дунёга Ўзбекистон профессионал боксдаги энг нуфузли супер оғир вазн тоифасида ўз жаҳон чемпионига эга эканини кўрсатиб қўйиш учун барча имкониятимни ишга солишга ваъда бераман!

Дарвоқе, бизнинг яна бир машҳур боксчимиз Артур Григорян муҳим жангга тайёрланиш жараёнида Руслан Чагаевга кўмаклашмоқда. Кўп бора жаҳон чемпионининг тажрибаси ва қўллаб-қувватлаши ҳамюртимизга чемпионлик камарини қўлга киритишида ёрдам беришига ишонамиз.

Руслан Чагаевнинг мураббийи Михаил Тимм ўз шогирдининг бўлажак беллашувга тайёргарлик кўриши тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашар экан, жумладан, шундай деди:

— Николай Валуев билан бўлажак жангга бир неча ҳафтадан буён қизғин тайёргарлик кўриб келмоқдамиз. Машғулотларнинг бошиданоқ Руслан бўлажак беллашув тактикасини белгилаб олди. Умид қиламанки, у ўз ғояларини тўлиқ ишга солишга муваффақ бўлади. 14 апрелга қадар биз яна бир неча маротаба 12 раундлик спарринг жангларини ўтказиш ниятидамиз. Умид қиламизки, улардан сўнг Руслан спорт формасининг чўққисига чиқишга муваффақ бўлади. У ўз олдига қўйилаётган вазифани аниқ билади ва жаҳон чемпиони бўлишига ишончи комил. Уни ҳар куни фақат ғалабага тайёрлаймиз ва онгига жангдан сўнг ҳакам айнан унинг қўлини баланд кўтариб, у ўз ҳаётидаги энг муҳим ғалабага эришганини эълон қилишига бўлган ишончни сингдирамиз.

Ҳа, мураббийнинг қатъий сўзлари кишини келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Умид қиламизки, унинг барча кўрсатмалари бажарилади ва миллионлаб ўзбекистонликлар 2007 йил 14 апрель куни боксчимиз ғалабасини шодиёналар билан қарши олишади.

Жаҳон" АА
Гамбург.

Туркияда тоғ чанғиси бўйича ўтказилган иккита йирик халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси совринли ўринларни эгаллади.

Чанғичиларимиз ютуғи

Жумладан, Арзрум шаҳридаги мусобақада вакилларимиз ўндан ортиқ мамлакат спортчилари орасида учинчи, Сариқамишда уюштирилган турнирда эса Словения терма жамоасидан сўнг фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Халқаро турнирларда Мадина Расулова, Наталья Шамаева, Ксения Григорьева, Гулиза Гаюпова, Олег Шамаев, Денис Григорьев, Сафар Егенбердиев ва Ноил Ширазиддиновлар юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Белбоғи маҳкам полвонлар

Кураш мардлар мусобақаси. Бу мусобақада билагию бели бақувватлар енгади. Ғайрати танига сиғмаган ўтюраклар ғолиб келади. Курашни одамлар футбол, бокс қатори завқу шавқ билан томоша қилишлари ва пировардида спортнинг бу тури эндиликда жаҳон бўйлаб мухлислар кўнглининг тўридан жой олиб улгургани шундан.

Курашни дунёга ҳурматли Юртбошимиз танитди. Бундан роппа-роса 14 йил аввал Президентимиз соврини учун ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб катта беллашув ўтказилгани, мусобақага халқаро турнир мақоми берилгани бу йўлдаги катта қадам бўлганди.

Турнирнинг 1993 йил баҳорида ўтган илк мусобақасини эслаймиз: полвонлар саноқли эди. Маҳалла-кўйларда, тўй-томошаларда олишиб юрган, машқ ва устоз кўрмаган полвонлар эди. Курашга ҳатто томошабинларнинг ҳам қизиқуви сустроқ эди.

Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган турнирнинг давралари тобора кенгайиб борди. Давраларга етти иқлимдан баҳодирлар кела бошлади. Қашқадарёлик Баҳром Авазов, бухоролик Рамзиддин Саидов, сурхондарёлик Ўрол, Рустам, Эрали, Тоштемир ва ниҳоят, Абдулла Тангриев, бразилиялик Карлос Хонарато, корейс Жун Канг, турк Селим Татар ўғли...

Дарвоқе, дунёнинг донгдор полвонлари белбоғларини яна тортиб боғламоқдалар. Чунки 12 апрель куни Термизда турнирнинг навбатдаги байроғи кўтарилади. Ва бу катта даврага ўттиздан ошиқ мамлакатлардан кураш усталари келиши кутилмоқда.

Кучлилар саралаб бўлинди. Мусобақа ўтказиладиган «Алпомиш» стадионида тайёргарлик юмушлари ниҳоясига етказилмоқда.

Бир галги суҳбатимизда Хонапатонинг «Мен Бразилиянинг Алпомишиман» деган гапи ёдимда қолган. Қаранг, хорижлик танти бирадарларимиз ҳам ўз баҳодирликларини Алпомишимизнинг қадамларию қаричлари билан ўлчашмоқда.

Дарвоқе, Барчинойларнинг ҳам курашга тушиши бу галги мусобақаларга янгилик бўлиб қўшилади.

У. ОЛИМЖОНОВ.

Оилавий кўргазма

Пойтахтимиздаги халқаро маданият карвон саройида Луиза ва Владислав Харитоновларнинг асарлари кўргазмаси очилди.

80 йиллик юбилейини нишонлаётган Владислав Харитонов таниқли мўйқалам устаси ҳисобланади. Рафиқаси Луиза эса бир пайтлар «Моделлар уйи»да рассом бўлиб фаолият юритган. Бугунги кунда ёшларга каштачилик сирларини ўргатаяпти.

Кўргазмада эр-хотин Харитоновларнинг пейзаж, натюрморт, портрет жанридаги асарлари, каштачилик, зардўзлик буюмларидан намуналар намойиш этилмоқда.

Юлдуз РИЗАЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўқидингизми?

Таниқли адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошнинг «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази томонидан чоп этилган «Ёниқ сўз» китоби адабиёт ихлосмандларига муносиб тухфа бўлди.

Сўз масъулияти

Муаллифнинг турли йилларда матбуот нашрларида чиққан мақолалари жамланган мазкур тўплам мутахассис олимлар, талабалар, ўрта ва олий таълим соҳасидаги тил ва адабиёт ўқитувчиларида катта қизиқиш уйғотиши, шубҳасиздир.

Беш қисмдан иборат «Ёниқ сўз» китобида бадиий асарлар сўз санъати мезонларида қизиқарли таҳлил этилади ва уларнинг бадиий қимматига қараб баҳо берилади.

Куни кеча Миллий матбуот марказида ушбу китоб тақдимоти ўтказилди. Унда таниқли олимлар, шоир ва адиблар, жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан олимлар «Ёниқ сўз» ҳозирги адабий-эстетик тафаккуримизнинг ютуқларидан бири эканлигини таъкидладилар.

Ўз мухбиримиз.

Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ
Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.
ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР
ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР
Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
UAZ Hunter
UAZ Patriot Comfort
UAZ Patriot Classic
UAZ Patriot Limited
Юк ташувчи УАЗ-3303.
Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.
Қўшимча кабинали УАЗ 39094.
Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги «GRAND-XIM-YU» МЧЖ ўз устав жамғармасини 38922049 сўмдан 60000000 сўмга оширганлигини маълум қилади.
Маълумот учун тел: 58-71-00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси ўқув ишлари бўйича проректор ёрдамчиси Юнус Ходжиевга отаси
Муҳитдин ХОДЖИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси бўлим бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Искандар Ҳодиевга отаси
Раззоқ ҲОДИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси илмий-ташкилий бўлим мудири Тоҳир Дўстмуҳамедовга укаси
ВОҲИДЖОНнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Ватан тарихи» кафедраси доценти Зуҳра Мираҳмедовага акаси
Ҳасан МИРАҲМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 23.35 23456